«Ўздонмахсулот” Акциядорлик Компанияси

# “Хонқа дон маҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг 2023 йил учун

# БИЗНЕС - РЕЖА

***«М А Ъ Қ У Л  Л А   Н Г А Н»***

«Хонқа  дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятининг
2022 йил 14 ноябрдаги акциядорларнинг № 8 - сонли
кузатув кенгаши йиғилишининг қарорига асосан.

Хонқа шаҳри 2023 йил

# М У Н Д А Р И Ж А


**I. Корхона тўғрисида умумий маълумот**

*1.1 Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти);*

*1.2 Корхона тарихи, охирги йилларда эришган ютуқлари;*

*1.3 Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати;*

*1.4 Корхона ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот;*

*1.5 Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар, жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя;*

*1.6 Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мақеи;*

*1.7 Корхонада жорий этилган сифатни бошқариш тизими*

**II. Корхонани ислоҳ қилиш**

*2.1 Истиқболли ривожланиш стратегияси;*

*2.2 Ислоҳ қилиш мақсади ва босқичлари;*

*2.3 Ислоҳ қилишнинг 2023 йил учун режаси;*

**III. Бозор ва маркетинг режаси**

*3.1 Бозор таҳлили*

*3.2 Маҳсулот (хизмат)нинг асосий истеъмолчилари, таркиби*

*3.3 Рақобат*

*3.4 Маркетинг режаси*

**IV. SWOT-таҳлили**

**V. Энерго ресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи**

*5.1. Қувватларни модернизация ва реконструкция қилиш орқали энергияни тежаш ва самарадорликни ошириш бўйича Техник сиёсати*

**VI. Кўрсаткичлар**

***6.1 Ишлаб чиқариш режаси***

*6.1.1. Хомашё захираси;*

*6.1.2. Тайёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари*

*6.1.3. Жорий (2 йиллик) ишлаб чиқариш ҳолати*

*6.1.4. Ишлаб чиқариш ва сотиш режаси*

*6.2 Молиявий режа*

*6.2.1 Жорий (2 йиллик) молиявий кўрсаткичлар*

*6.2.2 Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси (бюджети)*

*6.2.3 Даромадлар шаклланишининг асосий манбаи (нархлар прогнози)*

*6.2.4 Харажатлар ва таннархни оптималлаштириш.*

*6.2.5 Пул оқимлари прогнози*

*6.2.6 Молиявий барқарорлик, ликвидлилик ва тўлов қобилияти, қарздорлик (ички ва ташқи), кредитлар юки*

*6.2.7 Давлат бюджетига тўловлар прогнози*

*6.2.8 Молиявий кўрсаткичларнинг ўхшаш корхоналар билан солиштирилиши (бенчмаркинг)*

**VII. Иш хақи тўлаш тизими**

**VIII. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI)**

**IX. Ташқи иқтисодий фаолият режаси (экспорт ва импорт)**

**X. Маҳаллийлаштириш**

**XI. Инвестиция лойиҳалари**

**XII. Бизнес рискларни (таваккалчиликларни) бошқариш**

**XIII. Экология ва атроф муҳитга таъсири**

**XIV. Иловалар**

*14.1 Маҳсулот ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) ҳажми*

*14.2 Таннархни камайтириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар*

*14.3 Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш режа-жадвали*

*14.4 2023 йилда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг асосий кўрсаткичлари*

*14.5 Кутилаётган бухгатерия баланси (чораклар кесимида)*

*14.6 Кутилаётган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (ўсиб борувчи тартибда чораклар кесимида)*

*14.7 Даромадлар ва харажатлар сметаси (бюджети)*

*14.8 Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари*

# КОРХОНАНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФНОМАСИ

1. Бундан буён матнда “жамият” деб аталувчи “Хонқа дон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш Давлат қўмитаси (Давлат рақобат қўмитаси) Хоразм вилоят ҳудудий бошқармасининг 1995 йил 18 майдаги 135к-ПО-сонли буйруғига асосан ташкил этилган. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

2.1. Ўзбек тилида:

Лотин ёзувида: “Xonqa don maxsulotlari” aksiyadorlik jamiyati.

Кирилл ёзувида: “Ҳонқа дон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти.

2.2. Рус тилида: Акционерное общество “Хонка дон махсулотлари”.

2.3. Инглиз тилида: Joint stock company “Xonqa don maxsulotlari”.

2. Жамиятнинг қисқартирилган номи:

3.1. Ўзбек тилида:

Лотин ёзувида: “Xonqa don maxsulotlari” AJ.

Кирилл ёзувида: “Ҳонқа дон маҳсулотлари” АЖ.

3.2. Рус тилида: АО “Хонка дон махсулотлари”.

3.3. Инглиз тилида: JSC “Xonqa don maxsulotlari”.

3. Жамиятнинг манзили:

- Почта манзили: Хоразм вилояти, Хонқа тумани, Мулла-ёп кўча 64 уй. Индекс: 220800.

Жамиятнинг электрон почта манзили: xonqadonaj@umail.uz.;

4. Жамиятнинг расмий корпоратив веб-сайти: www.xonqadonmahsulotlari.uz.
5. Инд: 220800. Тел: (0362) 39-95-851
6. Банк реквизитлари: х/рақами: 20208000300237903001
7. МФО: 00560
8. ИНН: 200429242
9. АТБ Агро банк Хонқа туман бўлими
10. Ишчилар сони: Жами 238 киши.

| | | |
|---|---|---|
| Жами акция сони | 18 481 104 дона | |
| “O'zdonmaxsulot” AK | 12 476 116 дона | 67,5 % |
| Юридик ва жисмоний шахслар | 6 004 988 дона | 32,5 % |
| Устав жамгармаси: | 1 848 110 400 сўм | |
| “O'zdonmaxsulot” AK | 1 247 611 600 сўм | |
| Юридик ва жисмоний шахслар | 600 498 800сўм | |

Жамият раиси: Абдуллаев Равшонбек Машарибович

Бош хисобчи: Авезов Руслан Комилджанович

## ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ, ЖАВОБГАРЛИГИ

Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишдир.

Жамият асосий мақсадига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг қуйидаги турларини амалга оширади:

- Ун ва ун махсулотларини ишлаб чиқариш ва корхона, ташкилот ва аҳолига етказиш;
- Омухта ем ишлаб чиқариш, корхона, ташкилот ва аҳолига етказиш;
- Нон ва нон махсулотлари ишлаб чиқариш, корхона, ташкилот ва аҳолига етказиш;
- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш, қайта ишлаш, сақлаш, қадоқлаш ва сотиш;
- Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва шахсий томорқа хўжаликларида етиштирилган дон махсулотларни қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш;
- Ғалла экинлар донини тайёрлаш ва экиш учун қишлоқ хўжалиги корхоналари ва шахсий томорқа хўжаликларига етказиб бериш;
- Савдо ҳарид ишлари, шу жумладан чакана, улгуржи ва тижорат савдоси;
- Юқоридаги бандда кўрсатилган фаолиятга таалуқли чакана, улгуржи ва тижорат дўконларини очиш;
- Ҳалқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш;
- Қонунда белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолият;
- Аҳолига қонунда белгиланган тартибда маиший хизмат фаолият;
- Аҳолига хизмат кўрсатувчи ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи, шунингдек бошқа харидоргир молларни ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар тузиш;
- Давлат, хусусий, жамоа корхоналари ва ахоли билан шартнома асосида транпорт хизмати, биолаборатория хизмати ва тегирмон хизмати кўрсатиш;
- Биржада ва биржадан ташқарида қимматли қоғозлар билан муомала қилиш;
- Амалдаги қонунчиликка мувофиқ экспорт-импорт операциялари билан шуғулланиш;
- Ўзбекистон Республикаси худудида ва республикадан ташқари худудларда жамиятга тегишли мулкни сотиш, сотиб олиш ва ижарага бериш;
- Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар билан бевосита ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш, тижорат-воситачилик хизматларни амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан ман этилмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш;
- Белгиланган тартибда инвесторлар билан шартнома асосида жамиятга хўжалик фаолияти учун самарали бўлган инвестициялар киритиш;

1. Жамият Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турларини амалга оширишга ҳақли.

2. Махсус рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиладиган фаолият турлари жамият томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензия олингандан кейин амалга оширилади.

3. Мазкур Уставда кўрсатилган ўз олдига қўйилган мақсадларга эришиш учун жамият инвестицион ва Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан ман этилмаган фаолиятларнинг бошқа турларини амалга ошириши мумкин.

4. Жамият қонунчиликда белгиланган бошқа фаолият турларини белгиланган тартибда амалга ошириши мумкин.

5. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

6. Жамиятнинг устав капитали 1 848 110 400 сўмни ташкил қилади. У ҳар бирининг номинал қиймати 100 сўм бўлган 18 323 548 дона оддий ва 157 556 дона имтиёзли, жами 18 481 104 дона акциялардан иборат.

## Махсулот ишлаб чиқариш босқичлари, ишлаб чиқаришни амалга ошириш механизмига таъриф.

### 1. Ун ишлаб чиқариш механизмига таъриф.

“Ҳонқа дон маҳсулотлари” акциядорлик жамиятида 48 000 тонна сиғимига эга бўлган элеватор, ташқаридан ташиб келтирилган буғдой тўғри элеваторга қабул қилинади. Элеватордан буғдой тозаланиб тегирмон кондициясигача тозаланиб тегирмоннинг буғдой тозалаш бўлимига ўтказиб берилади.Тозалаш бўлимида буғдой тозаланиб ювилиб, намланиб (яъни отлёжкада бўлади) ва янчиш бўлимига ўтказилади. Янчиш бўлимида ун ишлаб чиқарилиб:

Асосан: 1. I-навли ун
Буғдой кепаги

Дон чиқиндилари ва буғдой кепаги омухта-ем хом ашёси бўлиб омухта –ем цехига ўтказилади.

Буғдой кепаги, дон чиқиндилари (ярокли, яроксиз) ишлаб чиқарилиб, ишлаб чиқарилган ун маҳсулотлари темир моддаси билан бойитилган ҳолда қопларга жойлаштирилиб омборга жойланади. Кейин истеъмолчиларга омбордан тўғридан тўғри жўнатилади. Омухта-ем хом ашёси бўлган буғдой кепаги ва дон чиқиндилари хам омухта-ем цехига ўтказилади. Омухта – ем ишлаб чиқариш цехида қорамоллар учун рецептуралар асосида сифатли ем маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Жамиятимизга қарашли мавсумий Уруғчилик цехида хар мавсумда дон етиштирувчи хўжаликлар учун сифатли уруғлик буғдой ишлаб чиқарилади.

1. Махсулот ишлаб чиқариш учун сарф бўладиган ишчи кучи. Корхона мехнат ресурслари ва кадрлар малакасини ошириш бўйича режалар.

Жамиятимизда асосан Ун тегирмон, Омухта-ем цехи, Гуруч ишлаб чиқариш цехи, Мавсумий Уруғлик ишлаб чиқариш цехи ва Чорвачилик фаолият кўрсатади.

Жамиятимизда етакчи соха бўлган ун ишлаб чиқаришда асосий хом ашё буғдойни автотранспортда ташиб келтиришда:

Авто корхоналар, ширкат хўжаликлари билан хар бир тонна\км юкни ташиб келтириш бўйича вилоят туманларидан келишилган нархларда ташиб келтириш буғдой хосили даврида Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган тарифларда тўланади.

2. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш, махсулот турларини кўпайтириш, тендер асосида янги харажатларни қоплаш манбалари ва муддатлари, самараси.

Ишлаб чиқаришга зарур бўлган эхтиёт кисмлар фақат корпоратив биржа орқали амалга оширилади ва арзон нархларда сотиб олинган эхтиёт қисмлар махсулот таннархида ижобий натижа бериб, самарадорлик ошишининг омили бўлиб ҳисобланади.

3. Ишлаб чиқарилган махсулотларни сотиш бўйича бозор талабларини ўрганиш ва маркетинг тадкикотларини ўтказиш:

“Ҳонқа дон маҳсулотлари” акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган махсулотлардан ун махсулотлари юқори ташкилотимиз яъни “Ўздонмахсулот” АК томонидан нарядлар асосида буйрук берилади, ушбу буйрук асосида Товар хом ашё биржаси орқали ун махсулотлари савдо ташкилотларига, дон махсулотлари тизими ташкилотларига ва бошка ташкилотларга сотилади. Уларнинг турларига қараб калькуляция асосида “Ўздонмахсулот” АК билан келишилган ҳолда чиқарилган буйруқга асосан Товар хом ашё биржаси орқали ва тўғридан тўғри шартнома орқали сотилади. Буғдойдан чиққан буғдой кепаги, яроқли дон чиқиндилари эса омухта-ем ишлаб чиқариш учун цехга берилади. Булар хам белгиланган калькуляция бахоларида ишлаб чиқаришга берилади. Жамиятимизда ишлаб чиқарилган омухта-ем махсулотлари рецептуралари, Товар хом ашё биржаси орқали хохлаган корхона, ташкилот, ширкат, фермер, дехқон хўжаликларига тизим ташкилотларига чекланмаган миқдорда сотилади.

## 2. Жамиятнинг асосий фаолияти.

Жамият фаолиятининг асосий мақсади хўжалик фаолиятидан фойда олишга қаратилган бўлиб, фаолият турлари қуйидагича:

- ун ишлаб чиқариш, сотиш ва дон чиқиндиларини қайта ишлаш
- озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда омухта-ем маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш
- ун маҳсулотидан истеъмол моллари яъни макарон, нон ва нон булочка маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш
- қишлоқ хўжалик ҳамда чорва маҳсулотлари етиштириш ва сотиш

- маҳаллий ҳом ашёдан ҳалқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва сотиш, шунингдек фирма дўконларини ташкил қилиш
- автотранспорт хизматлари кўрсатиш
- савдо ва савдо воситачилик хизмати кўрсатиш
- белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш
- агар айрим фаолият турлари билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома(лицензия) талаб қилинадиган тақдирда, жамият бу фаолият турлари билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома олган ҳолда шуғулланиши мумкин

Белгиланган Низомга асосан жамиятни бош мақсади:

- ҳўжалик фаолиятидан фойда олиш
- дон маҳсулотлари бозорини шакллантиришда фаол қатнашиш
- ишлаб чиқариладиган маҳсулот турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш
- аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш
- ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш

Ишлаб чиқариш фаолиятининг асосий йўналишлари.

- дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ва қайта ишлаш
- навли ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қадоклаш
- омухта-ем ишлаб чиқариш
- макарон, нон ва нон булочка маҳсулотлари ишлаб чиқариш
- юқори ташкилот томонидан белгиланган топшириқларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржаси орқали улгуржи ва чакана нархларда дон, омухта-ем маҳсулотлари сотиш

Жамият қуйидаги асосий ишлаб чиқариш цехларини ўз ичига олади:

***а) Тегирмон цехи.***

Суткасига 200 тонна буғдойни қайта ишлаб 75 фоиз – 150 тонна ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Қайта ишлаш жараёнида –75% биринчи навли ун маҳсулоти олинади.

***б) Омухта – ем цехи.***

Суткасига - 150 тонна корамоллар учун омухта-ем ишлаб чиқариш қувватига эга. Цехда тайёр маҳсулот ва хом-ашё сақлаш омборлари мавжуд.

Бундан ташқари кунига 36 тонна шолини қайта ишлайдиган гуруч цехи хам мавжуд. Жамиятимиз ичкарисида буғдой уруғлигига ишлов берувчи “Пектус” дон тозалагич ўрнатилган бўлиб мавсумда 2200 тонна уруғлик буғдой материалини қайта ишлаш қувватига эга.

Шунингдек жамиятда ишчи хизматчиларни ювиниб кийинишлари учун иссиқ ва совуқ сув билан таъминланган дам олиш хонаси, чиқинди

сувларни тозалаш иншооти, ишчи хизматчилар овқатланадиган ошхона мавжуд.

**3. Жамият фаолияти, жамият Низоми, ички тартиб қоидалар ҳамда бошқа амалдаги қонунлар асосида юритилади.**

**Жамият хақида умумий маълумот.**

| № | Кўрсаткичлар | Маълумот |
|---|---|---|
| 1 | Корхона номи | "Хонқа дон маҳсулотлари" АЖ |
| 2 | Ташкилий хуқуқий мулкчилик шакли | Акциядорлик жамияти |
| 3 | Йўналаши | Ун-ёрма |
| 4 | Манзили | Хор.вилояти Хонқа тумани Мулла-ёп кўча 64-уй |
| 5 | Телефон ва факс | (0362) 39-95-851, 39-95-853 |
| 6 | Рахбар | Абдуллаев Равшонбек Машарибович |
| 7 | Умумий ер майдони (га) | 19,85 |
| 8 | И/ч ер майдони (га) | 18,1 |
| 9 | 2023 йилда и/ч қувватлар. фойдаланиш (%) | 53,7 |
| 10 | Жами ходимлар сони | 239 |
| 11 | Ишлаб чиқариш ишчи хизматчилар сони | 166 |
| 12 | Қайта ташкил қилиш санаси | 19.05.1995 йил |
| 14 | Бир акция номинал қиймати (сўм) | 100 |
| 15 | 01.01.2022 йилга Низом жамғармаси | 1 848 110,4 минг сўм |
| 16 | Акция сони | 18 481 104 |
| 17 | Низом жамгармасини тақсимланиши | |
| | - Ўздонмахсулот АК улуши | 67,5 |
| | - Юридик ва жисмоний шахслар | 32,5 |
| 18 | Хозирда Низом жамғ.тақсимланиши | |
| | - Ўздонмахсулот АК улуши | 1 247 611 600 |
| | - Юридик ва жисмоний шахслар | 600 498 800 |
| 19 | Молиявий ҳолати | Барқарор |
| | 01.01.2023 йил холатига | |
| 20 | Жорий активлар (минг сўм) | 166 683 741,0 |
| 21 | Асосий воситалар (минг сўм) | 21 491 270,0 |
| 22 | Ўз маблағлари (минг сўм) | 67 216 544,0 |
| 23 | Жорий мажбуриятлар (минг сўм) | 109 484 097,0 |
| 24 | 2022 йиллик соф фойда (минг сўм) | 2 000 000,0 |

## 4. Низом жамғармаси.

“Ҳонқа дон маҳсулотлари” АЖнинг умумий йиғилиш қарорига асосан жамият Низом жамғармасидаги “Ўздонмахсулот” АК улуши 67,5%. Жамиятнинг Низом жамғармаси – 1 848 110,4 минг сўмни ташкил қилди. Оддий акциялар сони – 18 323 548 дона, 157 556 дона имтиёзли акция. Акция номинал қиймати – 100 сўм. Эмиссия рисоласи вилоят қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан гувоҳнома берилди. Эмисия рисоласи бўйича акциялар қуйидаги тартибда тақсимланди.




| Акциядорлар | Улуши (%) | Акция сони (дона) | Улуш қиймат (минг сўм) |
|---|---|---|---|
| “Ўздонмаҳсулот” АК улуши | 67,5 | 12 476 116 | 1 247 611,6 |
| Юридик шахслар улуши | 21,05 | 3 870 882 | 387 088,2 |
| Меҳнат жамоаси улуши | 11,5 | 2 134 106 | 213 410,6 |
| **ЖАМИ :** | **100,0** | **18 481 104** | **1 848 110,4** |

**4.1. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**



## 5. Жамиятни бошқариш органлари, кадрлар сиёсати ва иш ҳақи.

“Ҳонқа дон маҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг Олий бошқарув органи бўлиб акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳисобланади. Умумий йиғилиш “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан бир йилда камида бир марта ўтказилади.

“Ҳонқа дон маҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг бошқарув органлари схемаси қуйидагича :

| | | |
|---|---|---|
| Олий орган | - | Акциядорларнинг умумий йиғилиши |
| Кенгаш | - | Кузатув кенгаши |
| Назорат | - | Тафтиш комиссияси ва ички аудит |
| Ижроия органи | - | Бошқарув |

| № | Фамилия, исми ва шарифи | Иш жойи | Лавозим | Аъзолик тури |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Жумаев Нодиржон Жаханович | "Ўздонмахсулот" АК | «Ўздонмахсулот»А.К бошқарма бошлиғи | Раис |
| 2 | Каршибоев Гофуржон Яхшибоевич | "Ўздонмахсулот" АК | «Ўздонмахсулот»А.К бошқарма бошлиғи | Аъзо |
| 3 | Камилов Аброр Анварович | "Ўздонмахсулот" АК | «Ўздонмахсулот»А.К бош мутахасис | Аъзо |
| 4 | Абдуллаев Расул Абдулазизович | "Ўздонмахсулот" АК | «Ўздонмахсулот»А.К етакчи мутахассис | Аъзо |
| 5 | Донаев Шерали Бурханович | "Ўздонмахсулот" АК | «Ўздонмахсулот»А.К бошқарма бошлиғи | Аъзо |
| 6 | Рахимов Хожиакбар Абдуҳаким ўғли | "Ўздонмахсулот" АК | «Ўздонмахсулот»А.К етакчи мутахассис | Аъзо |
| 7 | Киличев Туроншох Дилшод ўғли | "Ўздонмахсулот" АК | «Ўздонмахсулот»А.К мутахассис | Аъзо |

**Жамият ижро органи таркиби**

| № | Фамилия, исми ва шарифи | Лавозим |
|---|---|---|
| 1 | Абдуллаев Равшонбек Машарибович | Бошқарув раиси |
| 2 | Раззаков Ўткир Матяқубович | Иш. чиқ, маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш мас. бўйича директор |
| 3 | Зарипов Обиджон Раимбаевич | Молия фаолияти, маҳсулот сотиш.ва сотиб олиш бўйича директор |
| 4 | Авезов Руслан Камилджонович | Бош хисобчи |

Ҳозирги кунда жамиятда - 238 нафар ишчи хизматчи ишламоқда.
Жамиятнинг штатлар жадвали қуйидагича:

| № | Лавозими | Сони |
|---|---|---|
| 1 | Бошқарув ходимлари | 6 |
| 2 | Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар | 67 |
| 3 | Асосий ишлаб чиқариш ходимлари | 165 |
| | **Ж а м и :** | **238** |

Жамият ишловчи ходимларнинг 18 % - олий маълумотли, 33,5 фоизи ўрта маҳсус, 48,5 фоизи ўрта маълумотига эга.

Штат жадвали асосида ўртача ойлик маош қуйидагича :

| № | Лавозими | Ўртача ойлик маош (сўм) |
|---|---|---|
| 1 | Бошқарув ходимлари | 2 886 190 |
| 2 | Техник ва хизмат курсатиш ходимлар | 1 796 900 |
| 3 | Асосий ишлаб чиқариш ходимлари | 1 621 000 |

**Жамият барча ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун сертификатларга эга.**

## 6. Маркетинг.

### 1. Жамият маҳсулотлари.

Жамият томонидан ун, талаб-таклифларга қараб нон ва нон булочка маҳсулотлари, уруғлик буғдой ҳамда чорва ва паррандалар учун юқори ташкилотлар томонидан белгиланган режа топшириқлари асосида маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Жамият томонидан қуйидаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

- витамин минераллари билан бойитилган биринчи навли ун
- йирик шоҳли корамоллар учун омухта-ем
- нон ва нон-булочка маҳсулотлари
- уруғлик буғдой
- гурунч маҳсулотлари

### Жамиятнинг кейинги 5 йил давомидаги ишлаб чиқариш ҳажми:

<table>
<tr><th rowspan="2">Махсулот номи</th><th colspan="5">Миқдори (тн)</th><th colspan="5">Қиймати (минг сумда)</th></tr>
<tr><th>2019</th><th>2020</th><th>2021</th><th>2022 кутила -ётган</th><th>2023 кутила -ётган</th><th>2019</th><th>2020</th><th>2021</th><th>2022 кутила-ётган</th><th>2023 кутила-ётган</th></tr>
<tr><td>Ун/1нав</td><td>33168</td><td>37492</td><td>37600</td><td>33665</td><td>34800</td><td rowspan="4">88794304</td><td rowspan="4">122385220</td><td rowspan="4">126878468</td><td rowspan="4">150724623</td><td rowspan="4">178501274</td></tr>
<tr><td>Омухта-ем</td><td>14835</td><td>16855</td><td>17065</td><td>15510</td><td>14400</td></tr>
<tr><td>Уруғлик буғдой</td><td>2085</td><td>2077</td><td>1880</td><td>1900</td><td>1483</td></tr>
<tr><td>Гурунч</td><td>1330</td><td>2803</td><td>0</td><td>0</td><td>0</td></tr>
<tr><td>ЖАМИ</td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td>88794304</td><td>122385220</td><td>126878468</td><td>150724623</td><td>178501274</td></tr>
</table>

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун маҳаллий хом-ашёдан фойдаланилади. Маҳаллий хом-ашёдан фойдаланиш маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини пасайтиради.

Омухта-ем ишлаб чиқаришда ҳам асосан маҳаллий хом-ашёдан фойдаланилади. Талаб ва таклифларга асосан ҳамда юқори ташкилот томонидан белгиланган ишлаб чиқариш режа топшириғи асосида қорамоллар учун омухта-ем маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

2023 йилда омухта-ем ишлаб чиқариш учун сарф қилинадиган хом-ашёлар:

| № | Хом – ашё номи | Миқдори (тонна) |
|---|---|---|
| 1 | - буғдой кепаги | 9470 |
| 2 | - дон чикиндиси | 3240 |
| 3 | - мучка | 1080 |
| 4 | - пахта шроти | 72 |
| 5 | - арпа | 322 |
| 6 | - охак уни | 216 |
| | **ЖАМИ** | **14 400** |

## 7. Қадоқлаш.

Ишлаб чиқарилаётган ун маҳсулотлари полипропилен қопларга – 50 килограммдан қадоқланиб ёрлиқ тикилган.

Қоп – 1957 сўмдан корпоратив биржадан сотиб олинмоқда.

Ёрлиқлар харид биржадан сотиб олинмоқда.

## 8. Мавсумий талаб.

Унга бўлган талаб асосан йилнинг қиш ва баҳор ойларида ортади. Бундан ташқари нон ва нон булочка маҳсулотларига қиш, бахор ва куз мавсумида талаб юқори бўлади.

Қорамоллар учун емга бўлган талаб эса қиш ва баҳор ойларида ортиб боради.

Ўз-ўзидан уруғлик буғдойни ишлаб чиқариш эса экиш мавсумига тўғри келади.

## 9. Нархлар.

Жамият томонидан ишлаб чиқарилаётган ун маҳсулотлар нархлари “Ўздонмаҳсулот” АК билан келишилган ҳолда калькуляцияга асосан белгиланади. Шунга кўра:

| **№** | **Маҳсулотнинг номи** | **Ўлчов бирлиги** | **ҚҚСсиз очиқ улгуржи нархлар** |
|---|---|---|---|
| 1. | Биринчи нав | Тн. | 4 173 913 |
| 2. | Кепак | Тн. | 1 400 000 |
| 3. | Омихта ем | Тн. | 1 652 174 |
| 4. | Уруғли буғдой  Элита | Тн. | 7 100 000 |
| 5. | Уруғли буғдой  R-1 | Тн. | 6 100 000 |

## 10. Мол етказиб берувчилар.

Асосий хом-ашё ҳисобланиладиган буғдой ўрим-йиғим мавсумида Вилоятнинг 3 та тумани (Хонқа, Хива ва Янгиариқ) дон етиштирувчи ҳўжаликларидан контрактация шартномалари асосида сотиб олинади.

Жамиятимизга карашли Вилоятимиз Хива туманида жойлашган “Хива Қарақум” ДҚҚШга қабул қилинадиган 4400 тонна, Хонқа тумани бош корхонага қабул 13350 тонна қабул қилинади ва “Ўздонмахсулот” АКнинг нарядларига асосан ички тизим корхоналаридан ташиб келтирилади.

Жамият фаолияти учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар, материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа бойликлар корпоратив биржа орқали сотиб олинади.

## 11. Жамиятнинг маҳсулот сотиш таҳлили.

Жамият томонидан ишлаб чиқарилаётган ун маҳсулотлари асосан нон ишлаб чиқариш корхоналари ва хусусий фирма ҳамда дўконларга биржа савдолари орқали етказиб берилади. Ем маҳсулотлари асосан чорва фермер хўжаликлари, чорвачилик-наслчилик комплекслари ва бошқа харидорларга биржа савдолари орқали етказиб берилади. Уруғлик буғдой маҳсулотлари дон етиштирувчи хўжаликларга контрактация шартномалари орқали экиш мавсумида етказиб берилади.

**Кейинги 3 йил давомидаги маҳсулот сотиш ҳажмлари**

<table>
<tr><th rowspan="2">Маҳсулот номи</th><th colspan="2">2021 йил</th><th colspan="2">2022 йил кутилаётган</th><th colspan="2">2023 йил кутилаётган</th></tr>
<tr><th>Миқдор (тн)</th><th>Қиймати (минг.сўм)</th><th>Миқдор (тн)</th><th>Қиймати (минг.сўм)</th><th>Миқдор (тн)</th><th>Қиймати (минг.сўм)</th></tr>
<tr><td>Ун</td><td>37600</td><td rowspan="3">126878468</td><td>33665</td><td rowspan="3">150724623</td><td>34800</td><td rowspan="3">178501274</td></tr>
<tr><td>Омухта-ем</td><td>17065</td><td>15510</td><td>14400</td></tr>
<tr><td>Уруғлик буғдой</td><td>1880</td><td>1900</td><td>1483</td></tr>
</table>

## 12. Рақобатдош корхоналар.

Жамият рақобатдош корхоналар сифатида, “Хоразмдонмахсулотлари” АЖ, “Шовот дон маҳсулотлари” АЖ, “Боғот дон” АЖларидир.

Жамият бозорда маҳсулотларни рақобатга бардошли ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш таннархини пасайтириши ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариши керак. Бунинг учун асосан маҳсулот ишлаб чиқаришда маҳаллий хом-ашёдан фойдаланиш, транспорт, ойлик маош ва бошқа ҳаражатларни қисқартириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш лозим.

## 13. Ишлаб чиқариш.

Жамиятнинг асосий ишлаб чиқариши ун ва омухта-емни ташкил қилади.

Жамиятнинг кейинги уч йил давомидаги Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва турлари:

*(киёслама нархларда)*

| Махсулот номи | Миқдори (тн) | | | | Қиймати (минг сўмда) | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2020 | 2021 | 2022 кутила-ётган | 2023 кутила-ётган | 2020 | 2021 | 2022 кутила-ётган | 2023 кутила-ётган |
| Ун/1нав | 37492 | 37600 | 33665 | 34800 | 122385220 | 126878468 | 150724623 | 178501274 |
| Омухта-ем | 16855 | 17065 | 15510 | 14400 | | | | |
| Уруғлик буғдой | 2077 | 1880 | 1900 | 1483 | | | | |
| Гурунч | 2803 | 0 | 0 | 0 | | | | |
| **ЖАМИ** | | | | | **122385220** | **110482661** | **150724623** | **178501274** |

Ишлаб чиқариладиган ун маҳсулотининг сифати (органолептические, влажность, крупность помола, зольность) O`Z DST 1104:2011 техник шартларга асосан тартибга солинади ва мос келадиган маҳаллий юмшоқ навли буғдойдан қайта ишланади.

Ун маҳсулотларини қадоқлаш, ташиш ва сақлаш O`Z DST 1722:2015 техник шартлар асосида амалга оширилади.

Ем ишлаб чиқариш O`Z DST 3240:2017 техник шартлар асосида амалга оширилади.

## 14. Мол етказиб берувчилар ҳамда фойдаланиладиган хом – ашё тўғрисида.

Ун ишлаб чиқариш учун асосий хом-ашё юмшоқ навли буғдой ҳисобланиб, бу хом-ашё вилоятдаги дон етиштирувчи хўжаликлардан сотиб олинади.

Ем ишлаб чиқариш учун зарур хом-ашёлар (шрот, маккажўҳори, мучка, охак уни ва арпа) вилоятдаги мол етказиб берувчи ташкилотлардан Товар хом ашё биржаси оркали сотиб олинади. Қолган хом-ашёлар (кепак, дон чиқиндилари, арпа, синфсиз буғдой) қайта ишлашдан хамда ички тизим корхоналаридан юқори  ташкилот тақсимотига асосан сотиб олинади.

Сотиб олинадиган хом-ашё сифати жамиятнинг марказий лабораториясида орқали назорат қилинади.

## 15. Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражаси.

Жамиятнинг маҳсулот ишлаб чиқариш цехлари қувватлари қуйидагича:

- тегирмон цехи ун ишлаб чиқариш қуввати – 150 тн/сутка
- омухта – ем цехи омухта – ем ишлаб чиқариш қуввати - 150 тн/сутка

Кейинги 2 йил давомида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш:

| № | Кўрсаткичлар, бажарилаадиган ишлар, маҳсулот номи | Ўл бир | Лойиҳа қуввати | Қувватдан фойдаланиш | | | | Режа | | *Шундан* | | | | Ўсиш/камайиш, % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 2021 й. | % | 2022 й | % | 2023й. | % | *1-чорак* | *2-чорак* | *3-чорак* | *4-чорак* | |
| | | | | | | | I. Корхона бўйича | | | | | | | |
| 1. | Ун | Тн | 45750 | 37600 | 82,2 | 33665 | 73,6 | 34800 | 76,1 | 8700 | 8700 | 8700 | 8700 | 76,1 |
| 2. | Омихта-ем | Тн | 45750 | 17065 | 37,2 | 15510 | 33,9 | 14400 | 31,5 | 3600 | 3600 | 3600 | 3600 | 31,5 |

## Энергоресурслар

| № | Номи | Ўлчов бирлиги | Ҳақиқий истемол қилинган | Ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Электр энергия | кВт | 5 560 084 | Қониқарли |
| 2 | Сув | м3 | 50 000 | Қониқарли |
| 3 | Газ | тыс.м3 | 877 041 | Қониқарли |

## 16. Молиявий аҳволи.
## Маҳсулотларни сотишдан соф тушум.

Жамият соф тушуми – ишлаб чиқарилган махсулотларни сотишдан олинади.

Кейинги 3 йилда ва 2023 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишдан миқдори қуйидагича.

| Маҳсулот номи | Ишлаб чиқариш | | | | Сотиш | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2020 йил | 2021 йил | 2022 йил | 2023 йил | 2020 йил | 2021 йил | 2022 йил | 2023 йил |
| Ун | 37471 | 37600 | 33665 | 34800 | 37695 | 37600 | 33665 | 34800 |
| Омухта ем | 16855 | 17065 | 15510 | 14400 | 16845 | 17065 | 15510 | 14400 |
| Гурунч | 2803 | 0 | 0 | 0 | 2803 | 0 | 0 | 0 |

Кейинги 5 йилда ва 2023 йилда маҳсулот сотишдан тушадиган тушум қуйидагича.

| Сотиш | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **2019 йил** | **2020 йил** | **2021 йил** | **2022 йил кутилаётган** | **2023 йил кутилаётган** |
| 88794304 | 122385220 | 126878468 | 150724623 | 178501274 |

Кейинги 3 йилда ва 2023 йилда кутилаётган соф фойда:

*(минг.сўм)*

| Кўрсаткичлар | 2020 йил | 2021 йил | 2022 йил кутилаётган | 2023 йил кутилаётган |
|---|---|---|---|---|
| Умумхўжалик фойдаси | 8436853 | 3246625 | 2352941 | 2676040 |
| Фавқулодда фойда ва зарар | 0 | 0 | 0 | 0 |
| Солиқ тўлангунгача олинган фойда | 8436853 | 3246625 | 2352941 | 2676040 |
| Даромаддан солиқ | 1412758 | 580204 | 352941 | 401406 |
| Фойдадан бошқа солиқлар | 0 | 0 | 0 | 0 |
| Соф фойда | 7024095 | 2666421 | 2000 000 | 2274634 |

## 17. Сотилган маҳсулот таннархи.

Жамиятнинг маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда, бу сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади.

**ЯФ = ССТ – ИТ**

Бунда, ЯФ – ялпи фойда, ССТ – сотишдан олинган соф тушум, ИТ – сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи

Маҳсулот сотишдан тушадиган тушумни 85-90 фоизини маҳсулот таннархи ташкил қилади. Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи ҳаражатлар уларнинг иқтисодий – мазмунига кўра қуйидаги элементлар билан қуйидаги гуруҳларга ажратилади.

- Ишлаб чиқариш моддий ҳаражатлар
- Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш ҳаражатлари
- Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар
- Асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси
- Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа ҳаражатлар.

**18. Жамиятнинг 2023 йилга режалаштирилган режа дастури.**

1. Омухта ем цехидаги эски лифт ўрнига янги лифт ўрнатиш режалаштирилган.
2. Элеватор цехидаги лифтни янгисига алмаштириш бундан ташқари мавсумда дон қабул қилиш учун биринчи намуна олиш участкасини янгидан замонавий қилиб қуриб бериш режалаштирилган.
3. Элеватор, омухта ем цехлари ва дон қабул қилиш масканлари учун эхтиёт қисмлар ва ускуналар сотиб олиш режалаштирилган.
4. Транспорт бўлимидаги автомашиналар тураргохини (гараж) жорий таъмирлаш ва эскирган ёкилғи қуйиш ускунасини янгисига алмаштириш, таъмир талаб зил, трактор ва тиркамаларни таъмирлаш ишлари режалаштирилган.
5. Тегирмон цехига эхтиёт қисмларни сотиб олиш ва цехни жорий таъмирлаш ишлари режалаштирилган.
6. Элеватор биноси 681 м2, омухта ем цехи биноси 2000 м2, уругчилик биноси 294 м2, сув таъминоти иншоати ва чиқинди сувларни тозалаш бўлимини 387 м2, транспорт бўлимини 40 м2 том қисмларини капитал таъмирлаш режалаштирилган.
7. Элеватор ва тегирмон цехларини фасад қисмини таъмирлаш, Сув таъминоти иншоатидаги ёпиқ сув ҳовузини тозалаш ва чиқинди сувларни тозалаш бўлими худуди ўралган деворни янгилаш ишлари режалаштирилган.
8. АУП, соғломлаштириш биноси, тайёр маҳсулотлар омборлари, шоли оқлаш ва уруғлик, тегирмон, элеватор, омухта ем цехлари бинолари ва дон қабул қилиш масканларини жорий ва капитал таъмирлаш режалаштирилган.

**“Ҳонқа дон маҳсулотлари”**
**АЖ бошқарув раиси:-** **Р.М.Абдуллаев**

**Бош ҳисобчи:-** **Р.Авезов**

**Бош иқтисодчи:-** **А.Гоипов**